ШАХС ЖИНСИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Ҳ.Р.Ҳайдарова

Мақолада шахс жинсий идентификациясини феноменологик ёндашув орқали тушуниш масаласи кўриб чиқилган. Жинсий идентифкация шаклланишидаги бирламчи ва иккиламчи жинсий социализация даврлари белгилаб ўтилди, иккиламчи давр (17-25 ёшлар даври)даги шахс ички дунёсида бўлиб ўтадиган ўзгаришлар, хусусан, десоциализация жараёнларига эътибор қаратилди. Шунингдек, миллий менталитет ва этномуҳитга хос хусусиятлар ҳам шахс жинсий идентификацияси нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

Калит сўзлар: *жинсий идентификация, жинсий установка, десоциализация, феномен, муҳит, шахс, миллий менталитет.*

В статье осуществлена попытка объяснения половой идентификации формирующейся личности с точки зрения феноменологического подхода. Указаны первичный и вторичный периоды половой социализации личности и особенности полового самосознания. Такой анализ позволяет глубже понять природу половой десоциализации формирующейся личности и феномен построения социальной конструкции в самосознании личности. Анализируется также влияние узбекской этнической среды и особенностей семейных взаимоотношений на формирование полоролевого поведения личности.

Ключевые слова: *половая идентификация, половая установка, десоциализация, феномен, личность, национальный менталитет.*

The article discusses the problems of sexual identification of the persons under formation from the point of view of phenomena approach. It shows the prior and secondary stages of sexual sociality of the person and the peculiarities of sexual consciousness. Such an analysis allows to understand deeply the nature of sexual desociality under the influence of Uzbek ethnic surrounding as well as peculiarities of family interrelations on the formation of behavorial role of the person.

Key words*: sexual identification, sexual installation, desocialization, personality, national mentality, phenomena.*

Инсон улғайиши давомида ташқи оламни ўрганиши билан бирга ўз-ўзини англаши ҳам муқаррар жараён бўлиб, бу орқали у ўзини борлиқ билан мувофиқлаштиради ва ички дунёсини ижтимоий талаблар билан уйғунлаштириб боради. Бундай уйғунлашув шахс шаклланишининг асосий шарти бўлиб, ушбу жараён шахс ўзлигини англашининг, яъни идентификациянинг турли жиҳатларини қамраб олади. Бундай жиҳатлар ичида энг муҳимларидан бири жинсий идентификациядир.

Инсоннинг жинси унинг ўзгалар тасаввуридаги ягона ўзгармас хусусиятларидан биридир. Биз ўзганинг кўз ва соч рангини унутишимиз, унинг қиёфасидаги кўпгина белгиларни хотирамизда тиклай олмаслигимиз мумкин, бироқ унинг жинсини ҳеч қачон унутмаймиз. Агар инсоннинг турли хусусиятларини алоҳида талқин этсак, унинг жинсий таснифи энг аҳамиятли жиҳат эканлиги аён бўлади.

Ҳ.Р.Ҳайдарова *– Андижон машинасозлик институти машинасозлик технологияси кафедраси доценти, психология фанлари номзоди.*

Жинсий идентификация шахснинг ўз-ўзини англаши сифатида талқин этилар экан, кўпчилик ёндашувларда идрок жараёни ва инсоннинг ўз-ўзини акс эттириши доирасида чекланиб қолинади. Лекин идентификация ўз моҳияти жиҳатидан когнитив жараён бўлибгина қолмай, балки шахснинг ҳиссий ва фаолият соҳаларини ҳам қамраб олади. Жинсий идентификация психик жараён сифатида таҳлил этилар экан, бунда ҳар қандай психологик ҳолат табиатини ифодаловчи барча кўрсаткичларга мурожаат этиш керак деб ҳисоблаймиз. Хусусан, жинсий идентификация нафақат ўзининг бирон жинсга мансублигини англаш, балки бу мансубликни ҳиссий тарзда англаш ҳамдир. Бундай талқинда шахснинг ўз жинсий мансублигидан қониқиши, ўз жинсига монанд хатти-ҳаракатларни амалга ошириши ҳам тушунилади. Ўз жинсий мансублигидан қониқишнинг асосида шахснинг у ёки бу жинс вакилларига тегишли хулқ-атвор шаклининг ўзлаштирганлиги, бу шаклга мос келувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ва бу борада жамиятда мавжуд талаб ва

нормаларга қанчалик мос келиш ҳам тушунилади. Албатта, психологик талқин нуқтаи назаридан бундай мослик биринчи навбатда субъектнинг ўзи томонидан баҳоланади.

Жинсий роль у ёки бу жинсга мансубликни англатувчи талаблар тизими бўлиб, индивиднинг бу талабларга мос келиш даражасига қараб у эркак ёки аёл сифатида қанчалик шаклланганига баҳо берилади. Жинсий мослик инсоннинг ўзини у ёки бу жинсга мансуб деб қараши ва бу жинсга оид хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларининг бирлигидир. Жинсий роль ва жинсий ўзликни англаш ўзаро боғлиқ иборалар бўлиб, ҳатто ўзаро уйғунлашувчи ҳолатлар ҳамдир. Жинсий роль шаклланишидаги асосий омиллардан бири эса жамиятдаги мавжуд гендер стереотиплари, яъни жамият фуқаролари онгидаги эркак ва аёлларга хос тасаввурлар тизимидир.

Жинсий идентификация щаклланишининг бирламчи ва иккиламчи босқичлари фарқланади. Қатор тадқиқотчилар таъкидлашларича, жинсий идентификация шаклланишининг биринчи босқичи 5-7 ёшларга тўғри келади ва шахснинг кейинги ҳаёти давомида жинсий оидлиги ҳақидаги тасаввури ҳаётий тажриба билан янада бойиб, такомиллашиб боради.

Иккиламчи идентификация эса 15-27 ёшларда рўй беради ва кўп жиҳатдан бу ёш давридаги жинсий шаклланиш шахснинг дунёқараши ва ўз ҳаёти мазмунини англаши билан белгиланади. Бу ёш даври инсоннинг йигитлик пайтига мос келади, бунда шахс ўз аждодлари тажрибасини ўзлаштиради. Бу ёшда инсон рўбарў келган ҳаётий воқеалар унинг кейинги дунёқараши ва қадриятлари мажмуини ташкил этишда асосий роль ўйнайди.

Бирламчи ва иккиламчи жинсий социализация шакланишига таъсир этувчи муҳитлар ҳам туриличадир. Бирламчи жинсий идентификация босқичида асосий муҳит оила ҳисобланади. Оилавий муносабатларда ҳукм сурувчи жинсий стереотиплар, жинсий роллар ва болага қўйиладиган талаблар жинсга оид тасаввурни шаклантиради ва унинг такомиллашуви учун асос яратади. Иккиламчи жинсий социализация шароитида эса шахснинг кенг қамровли идентификация жараёнига турли жамоалар, таълим муассалари таъсир эта бошлайди. Айнан шу даврда шахс ўзи қўллаб-қувватлайдиган ва ўзи суянадиган ижтимоий муҳит яралади. Албатта, улғаяётган шахс ҳаётида юзага келувчи бундай жамоалар ва уларда амал қилувчи турли хулқ нормалари унинг ички дунёсида ҳам ўз аксини топади ва жинсий ўзликни англаш жараёнининг янада мукаммаллашишига таъсир этади.

Психология фанида жинсий десоциализация тушунчаси ҳам мавжудки, бу ибора орқали олдин шаклланган жинсий роль борасидаги ўзлаштирилган нормаларнинг ўзгариши тушунилади. Десоциализация, одатда, шахснинг инқирозли ва норелевант вазиятларга тушиб қолиши натижасида шаклланади. Жинсий десоциализация жараёни, айниқса, иккиламчи жинсий идентификация даврида яққол кўзга ташланади. Бу даврда шахсдаги жинсий улғайишнинг психофизиологик жиҳатлари етуклик шаклига эга бўлади. Шу пайтгача турли жинсий установкалар таъсирида бўлган инсон энди жинсий ролларни амалда ижро этиш имкониятига эга бўлади. Албатта, жинсий ролни бундай тарздаги ижроси инсонннинг ўз жинсини идрок этиш ва англаш кўламини янада кенгайтиради, ҳатто янги жинсий идентификация тизимини ҳам яратади. Масалан, уйлангандан сўнг эркакнинг уй хўжалиги ишларига қарашиши ва фарзанд тарбиясига қўшилиши, ундаги эркак киши роллари ҳақидаги тасаввурини мутлақо ўзгартириб юбориши мумкин. Шу пайтгача бола тарбияси ва уй хўжалиги билан фақат аёл шуғулланиши лозим деб ҳисоблаган эркак эндиликда конкрет вазиятни бошдан кечириш пайтида ўзи аввал эътиқод килган тамойилларга ихтиёрий тарзда қарши бориши, ундаги инсоний туйғулар устунлиги натижасида ҳатто ўзга жинсга хос роль мажбуриятларини ҳам бажариш ҳоллари учраб туради. Демак, жинсий установкаларга қотиб қолган ва буткул шаклланган жараён деб қараш тўғри бўлмайди.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жинсий десоциализация жараёни шахснинг жинсий роллари ва ўз-ўзини жинсий англаши соҳасида туб ўзгаришларни юзага келтиради. Десоциализация шароитида шахс янги нормаларни ўзлаштиради ва унинг жинсий роллар ҳақидаги тасаввурида кескин ўзгаришлар бўлиб ўтади. Албатта, бундай ўзгаришлар унинг жинсий установкаларида ҳам ўз аксини топади. Инсоннинг атроф-муҳитдагилар ва ўзига нисбатан муносабати янги поғонага кўтарилади.

Субъектнинг ўз-ўзини англаши ва айниқса, жинсий идентификация жараёни фаол ички тадбир бўлиб, бунда инсон онги мавжуд шахсий тажриба ва борлиқ билан муносабат ўрнатар экан, шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурни ҳам яратади. Айнан шундай ички фаоллик ва бунинг асосидаги яратувчанлик жараёни инсон табиатини ўрганувчи фанларда феноменология ҳолати деб аталади. Шу маънода жинсий идентификация иборасининг ўзи ҳам психологик феномен сифатида тушунилади. Инсон онги фаолиятини ушбу

тартибда тушуниш феноменологик ёндашувда ўзининг методологик аксини топади ва инсон онгида юзага келаётган жинсий установка ҳамда жинс стереотиплари, борлиқнинг инсон онгидаги ижтимоийлашган конструкцияси сифатида тушунилади.

Жинсий идентификациянинг асосида ижтимоий установкалар ётади ва бу установкалар инсоннинг нафақат ташқи муҳит билан муносабати, балки ўз-ўзига бўлган муносабатини ҳам белгилайди. Шу маънода миллий муҳит хусусиятлари ҳар қандай жинсий установкалар шаклланишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудуди ва маҳаллий халқ миллий хусусиятлари таҳлилида, албатта, жинсий установкалар шаклланишидаги ўзбек миллати вакилларига хос этнопсихологик жиҳатларга эътибор қаратиш керак бўлади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, боланинг жинсий идентификацияси 3 ёшга келиб узил-кесил шаклланиб бўлади. Бу жараён ўғил ва қиз болаларда ўзига хос тарзда кечади. Маълумки, ҳар қандай маданий ва миллий муҳитда боланинг илк ёшлиги, яъни жинсий идентификация шаклланишидаги биринчи босқич она билан чамбарчас алоқада ўтади. Аммо ўғил ва қиз боланинг она билан алоқаси уларнинг жинсига боғлиқ бўлади, бу эса, ўз навбатида, фарзандлар характери ҳамда боланинг келажакдаги хулқида ўз аксини топади. Қиз ва онанинг бир жинс вакиллари эканлиги уларнинг муносабатини янада яқин ва ҳиссий жиҳатдан бой бўлишини таъминлайди. Аксинча, ўғил бола ва она ўртасидаги жинсий тафовутлар ўзига хос муносабатларни келтириб чиқарадики, болада унинг ёшлик чоғиданоқ индивидуаллашув ва она билан маълум масофада амалга ошириладиган муносабатлар шакллана бошлайди.

Ушбу ҳолат ўзбек оилавий муҳити мисолида таҳлил этилар экан, айрим этнопсихологик хусусиятларни назардан четда қолдириш мумкин эмас. Хусусан, кўпгина ўзбек оилаларига хос бўлган қариндош-уруғчилик муносабатларининг зичлиги, болани ўзига хос тарзда ардоқлаш ва эркалаш кўпгина ўғил болаларда илиқлик ва ҳиссиётга мойилликнинг шаклланишига олиб келади. Бундан ташқари, боланинг илк ёшлик давриданоқ ўз тенгқурлари доирасида кўп вақтини ўтказиши ҳам ундаги жинсий ўзлигини англаш жараёнини тезлаштиради, ўз жинс гуруҳига хос бўлган стереотипларни ўзлаштириш ва шунга мос установкалар шаклланишига замин яратади.

Ўзбек этномуҳитидаги тарбия хусусиятлари ҳам жинсий идентификация шаклланишига таъсирини ўтказади. Болага унинг жинсига мувофиқ тарзда муносабатда бўлиш, тарбия жараёнида гендер жиҳатларга катта эътибор қаратиш миллатимиз менталитетига хос бўлган ва республикамизнинг деярли барча ҳудудларида учраб турадиган ҳодисадир. Тарбия жараёнида ота-онанинг жинсий роллар тафовутларига баъзан етарли даражада англамаган ҳолда риоя қилишлари улғаяётган шахсда ўзига хос жинсий установкаларнинг шаклланишига шароит яратади.

Ота-она амал қилиб яшайдиган жинсий роллардан келиб чиқувчи муносабатлар аста-секин бола томонидан интериоризацияланади ва унинг ички фаолияти режасига айланиб боради. Ҳар қандай шаклланган установка эса, ўз навбатида, қотиб қолган ва статик ҳолат бўлмай, ривожланиб борувчи динамик жараёндир. Вазият тақозоси билан у ёки бу даражада шаклланган установка актуал эҳтиёж ва мавжуд вазиятга кўра ўз ички структурасини янада мукаммаллаштириш, зарур бўлса қайта қурилиш имкониятига ҳам эга. Установкалар амал қилиш давомида шахснинг янада юксакроқ мотивацион-эҳтиёж қатламлари билан ҳамоҳангликда фаолият олиб боради. Албатта бундай таъриф жинсий установкалар доирасида ҳам амал қилади.

Шахснинг жинсий идентификациясини феномен сифатида тушуниш унинг ўзгариб борувчан ҳаётга мослашуви механизмларини янада тўлароқ англаш имконини беради. Айниқса, бундай билимлар ўз ҳаётида қийин аҳволга тушиб қолиб, психологик кўмакка муҳтож бўлган шахснинг истиқболдаги режаларини ва тақдирида ўзгаришларни асослаш учун жуда фойдали бўлиши мумкин. Ҳаётда инсоннинг ички дискомфорт ҳолати ўзининг хатти-ҳаракат сабаблари ва майлларини тўла англай олмаслик туфайли юзага келадиган вазиятлар ҳам учраб туради. Инсон иккиламчи жинсий идентификация даврини (17-25 ёшлар) кечириш пайтида ушбу жараёнлар янада кескинлашиши ва натижада қайта қурилиш – десоциализация поғонасига ўтиши мумкин. Лекин ҳар қандай қайта қуриш жараёни қийинчиликлардан ҳоли бўлмаганидек, жинсий идентификация соҳаси ҳам маълум ноқулайликлар ва ички зиддиятларни келтириб чиқариши табиий. Бундай пайтда инсонга ёрдам беришнинг асосий услубларидан бири унинг ички дунёсида содир бўлаётган жараённи, яъни феноменологик қайта қурилиш жараёнини тушуниш ва шахс томонидан англанишидан иборат бўлади.

Адабиётлар:

1. Фельдштейн Д.И. Психология развития личности в онтогенезе. – М.: Педагогика, 1989.

2. Алешина А.Ю. Проблемы усвоения ролей мужчины и женщины // Вопросы психологии. – 1991, № 4, с. 74-82

3. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1994.

4. Ғозиев Э., Холмуҳамедов М., Иброҳимов Х. Психология методологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2002.

5. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2006.

2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. М.Ҳалимова)